

868 -сон билан  
рўйхатга олинган

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Туронбанк” АТБ Кенгашининг  
2020 йил “23” декабрь даги  
№-91 -сонли мажлис баёни билан

“Туронбанк” АТБ Кенгашининг  
Аудиторлик қўмитаси тўғрисидаги  
НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига, Адлия вазирлигида 2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга ва Адлия вазирлигида 2020 йил 6 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга ҳамда “Туронбанк” АТБнинг Уставига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом “Туронбанк” АТБ Кенгашининг Аудиторлик қўмитасининг (кейинги ўринларда “Аудиторлик қўмитаси” деб юритилади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарликларини, шунингдек қўмитанинг фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни ўз ичига олиб, Аудиторлик қўмитанинг фаолияти учун асосланувчи расмий ҳужжат ҳисобланади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Аудиторлик қўмитаси** - ички аудитнинг текширув ҳисоботларини кўриб чиқиб, банк фаолияти бўйича ўз хулосалари билан банк Кенгашига тегишли ички назорат тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида маслаҳатлар берувчи таркибий тузилма.

**Ички аудит** - банк ходимларининг ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш мақсадида банк фаолиятини текшириш ва баҳолаш учун банкда ўтказиладиган мустақил экспертиза. Ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб Ички аудит хизмати томонидан банк раҳбариятига банк фаолиятининг назорати ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банк Кенгаши ва Бошқарувига банк фаолияти мақсадида эришишида қўмаклашиш ҳисобланади.

**Ички аудит хизмати** (кейинги ўринларда “Аудит хизмати”) - банкда ички назорат ҳолатини, жумладан молия-ҳўжалик фаолияти самарадорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек банк операцияларининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш бўйича банк Кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилма.

## II. АУДИТОРЛИК ҚЎМИТАСИ ТАРКИБИ ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

2. Аудиторлик қўмитаси тегишли ички назорат тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида банк Кенгаши аъзолари таркибидан тузилиши лозим. Қўмитанинг кўпчилик аъзолари банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кенгашдаги аъзолиги мустасно. Аудит қўмитасининг раиси кенгаш раиси бўлмаслиги лозим.

3. Аудиторлик қўмитаси раиси ва аъзолари банк Кенгаши раиси тавсиясига биноан банк Кенгаши томонидан, унинг қарори билан тасдиқланади. Аудиторлик қўмитаси таркибига кирувчи банк Кенгаши аъзолари банк фаолиятига жавоб берадиган Кенгашнинг бошқа қўмиталари аъзолари этиб тайинланиши мумкин эмас.

4. Аудиторлик қўмитаси раиси қўмита аъзолари томонидан ўзаро келишган ҳолда танлаб олиниб, бу тўғрисидаги таклифлари ёзма равишда банк Кенгашига тақдим этилиши орқали ҳам ҳал этилиши мумкин. Бунда, тақдим этилган таклифдан келиб чиқиб, Аудиторлик қўмитаси раиси банк Кенгашининг қарорига асосан тайинланади.

5. Аудиторлик қўмитаси таркиби Кенгашнинг 3 та аъзоларидан таркиб топади.

6. Аудиторлик қўмитанинг таркибий тузилмаси қуйидагича:

Аудиторлик қўмитаси раиси - 1 та;

Аудиторлик қўмитаси аъзолари - 2 та.

7. Аудиторлик қўмитаси аъзолари аудит хизмати вазифалари ва фаолиятини ташкиллаштириш учун олий маълумотга ва етарли иш тажрибасига эга бўлишлари лозим. Аудиторлик қўмитасининг камида битта аъзоси молиявий ҳисоботларни тузиш ҳамда бухгалтерлик ҳисоби ёки аудит бўйича 5 йиллик тажрибага эга бўлиши лозим.

8. Аудиторлик Қўмитаси ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, "Туронбанк" АТБ Устави ва банк Кенгаши қарорлари ҳамда бошқа қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатларидан фойдаланади.

9. Аудиторлик қўмитаси банк Кенгашига бўйсунди ва унга ҳисобдор ҳисобланади.

## II. АУДИТОРЛИК ҚЎМИТАСИНING АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

10. Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) аудит хизмати ишининг самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда Ички аудитнинг йиллик аудиторлик текшируви режасини ишлаб чиқиб, қарор қабул қилиш ва Кенгашга тақдим этиш;



- 2) молиявий ҳисобот ва ички аудит сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнида иштирок этиш;
- 3) назоратга оид, молиявий ва бошқа ҳисоботларнинг тақдим этилишини, тўлиқлигини, ишончлилигини назорат қилиш ҳамда ҳар бир ички аудит текширувлари ўтказилгандан сўнг тақдим этиладиган аудит хизмати ҳисоботларини ўрганиш;
- 4) ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан кенгаш йиғилишларига маълумотлар тайёрлаш ва кенгашга ҳисоботлар тақдим этиш шунингдек, ички аудит бўйича чораклик ҳисоботларни ўрганиш ва уларни банк Кенгашига тақдим этиш;
- 5) ташқи аудиторлар учун техник вазифаларни ишлаб чиқишда банк Кенгашига амалий ёрдам бериш;
- 6) банкнинг ички ва ташқи аудиторлар билан ўзаро алоқасини назорат қилиб бориш;
- 7) ташқи аудиторнинг таклифларини баҳолашда банк Кенгашига амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлашда банк Кенгашига тавсиялар тайёрлаш;
- 8) ташқи аудиторларнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузилиши (бекор қилиниши) тўғрисида кенгашга таклифлар киритиш;
- 9) ички аудит хизмати ва ташқи аудиторларнинг тавсияларини бажариш жараёнини банк Бошқаруви раиси билан мувофиқлаштириш;
- 10) ички ва ташқи аудит ҳисоботларини қабул қилиб олиш ҳамда уларда ва бошқа назоратни амалга оширувчи бўлинмалар томонидан аниқланган қонун ҳужжатлари, банкнинг сиёсатлари ва ички ҳужжатларига номувофиқликлар ва камчиликларни банк бошқаруви томонидан ўз вақтида бартараф этилишини назорат қилиш;
- 11) ташқи аудиторлик ҳисобот ва хулосаларни, жумладан раҳбариятга йўлланган хатини кўриб чиқиш кўриб чиқиш ва уларни кенгашга тақдим этиш;
- 12) ташқи ва ички аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, зарур ҳолларда келгусида хатокамчиликлар қайтарилишининг олдини олиш учун банк автоматлаштирилган тизим дастурларига тегишли мантиқий назорат ўрнатиш таклифини бериш, шунингдек аудиторлар берган тавсияларнинг банк Бошқаруви томонидан бажарилиши устидан назорат қилиш;
- 13) ташқи аудиторлар фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда, уларни ўзгартириш юзасидан кенгашга тавсиялар бериш;
- 14) банк фаолиятининг шаффофлиги ва маълумотларнинг ошкор қилиниши етарли даражада ва аниқ эканлигини кўриб чиқиш;
- 15) ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;
- 16) кенгаш томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш;
- 17) аудит хизмати фаолияти мустақиллигини таъминлаш ва унинг фаолиятига, шунингдек, текширувлар таркиби ва хажмига Бошқарув аъзолари ва банк бўлинмаларининг бошқа раҳбарлари аралашшига йўл қўймаслик.

### III. АУДИТОРЛИК ҚҶМИТАСИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

11. Аудиторлик қўмитаси ўз иш фаолияти давомида қуйидаги функцияларни бажаради:

- 1) банк Кенгаши билан биргаликда фаолият юритиш;
- 2) Ички аудит хизмати аудиторларининг ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш;
- 3) ўтказилган ички аудит текширувлари натижаларини ўрганиш асосида банк Кенгашига банкнинг ҳақиқий ҳолати ва ички назоратнинг самарадорлиги тўғрисида ўзининг мустақил хулосасини тақдим этиш.

### IV. АУДИТОРЛИК ҚҶМИТАСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12. Аудиторлик қўмитаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) Ички аудит хизматига ишга қабул қилиш бўйича номзодларни шунингдек, ички аудит хизмати раҳбарини тайинлаш (лавозимидан озод қилиш) масаласини кўриб чиқиб, кенгашга таклиф киритиш;
- 2) аудиторларни белгиланган тартибда қўшимча рағбатлантириш, моддий ёрдам ажратиш билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқиш;
- 3) аудиторларнинг меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда таътиллارга чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;
- 4) аудиторларнинг йиллик иш режаларининг ижроси ҳолати бўйича маълумотлар талаб қилиш;
- 5) банкнинг Ички аудит хизмати аудиторлари томонидан ўказилган ҳар бир ички аудит текширувларидан сўнг тузиладиган аудит текшируви ҳисоботларини талаб қилиш;
- 6) банкнинг Ички аудит хизмати аудиторларидан Ички аудит текшируви ҳисоботига доир барча ҳужжатларни талаб қилиб олиш, зарурият туғилганда аудиторлардан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар талаб қилиш;
- 7) ташқи аудиторлар ҳисоботлари, жумладан раҳбариятга йўлланган хатини кўриб чиқиш;
- 8) банкнинг Ички аудит хизмати томонидан филиалларда ўтказилаётган назорат тартибидаги текширувлар тўғрисидаги маълумотномаларни ўрганиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиш.

13. Аудиторлик қўмитаси қуйидагиларга мажбурдирлар:

- 1) банкнинг Ички аудит хизмати аудиторлари томонидан тақдим этиладиган аудит текшируви ҳисоботларини мустақил, холис ва ҳаққоний ўрганиб чиқишга ва натижаси бўйича банк Кенгашига ўзининг хулосасини беришга;
- 2) банкнинг ички назорат тизими ва ички аудити фаолияти самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш учун уларни баҳолаш, ички аудит текширувлари режаси ва уларнинг даврийлигини кўриб чиқиш, ички аудит хизмати раҳбари ўз вазифа ва мажбуриятларини қай даражада амалга ошираётганлигини баҳолашда иштирок этиш ва ўз фикрларини билдиришга;



3) банкнинг Ички аудит хизмати томонидан филиалларда ўтказилаётган назорат тартибдаги текширувлар тўғрисидаги маълумотномаларни ўрганиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилишга;

4) ҳар чорақда камида бир марта ички аудит хизмати раҳбари билан учрашув ўтказиб, ички аудит хизмати фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилишга;

5) Ички аудит хизмати фаолияти мустақиллигини таъминлаш ва унинг фаолиятига, шунингдек текширувлар таркиби ва ҳажмига Бошқарув аъзолари ва банкнинг мустақил таркибий бўлимларининг раҳбарлари ва бошқа ходимларининг аралашшига йўл қўймасликка.

## **V. АУДИТОРЛИК ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**14.** Аудит қўмитаси аъзолари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

1) банкининг Ички аудит хизмати ходимлари томонидан тақдим этиладиган аудит текшируви ҳисоботларининг натижалари бўйича банк Кенгашига тақдим этиладиган хулосасининг ҳаққонийлигини таъминлаш;

2) қонун ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ташкил этувчи ҳар қандай маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

**15.** Аудиторлик қўмитаси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан жавобгар бўладилар.

**“Туронбанк” АТБ кенгашининг  
Аудиторлик қўмитаси Раиси:**

**Ф.Х.Маликов**

**Аудиторлик қўмитаси  
аъзолари:**

**Н.У.Ерлеписов**

**У.И.Шералиев**

**Киритди:**

Ички аудит департаменти директори



Б.У.Ахмедов

**Кўриб чиқилди:**

**Ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб  
чиқиш бўйича Эксперт гуруҳи  
раҳбари:**

Бошқарув Раисининг биринчи  
ўринбосари



А.Т.Ташев

**Экперт гуруҳи аъзолари:**

Бошқарув Раиси ўринбосари



С.Т.Калдибаев

Бошқарув Раиси ўринбосари



Д.А.Рустамов

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий  
ҳисобот департаменти директори




Ш.Э.Бозоров

Ҳазначилик ва қимматли қоғозлар  
департаменти директори




Т.Х.Ахмедов

Ходимлар билан ишлаш  
департаменти директори



Ш.А.Ибрагимова

Банкни стратегик ривожлантириш ва  
маркетинг департаменти директори



Ф.А.Рузикулова

Юридик департаменти директори

Б.Н.Арипов

Банк рискларини бошқариш  
департаменти директори

Б.Т.Шамуратов

Банк аппарати раҳбари

И.Т.Саламов

Кредитлаш департаменти директори

А.А.Абдураззаков

Инвестиция фаолиятини  
мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни  
бошқариш маркази директори

Дж.А.Ташкулов

Чакана хизматлар кўрсатиш  
департаменти директори



С.О.Сафаров

Ташқи иқтисодий фаолият  
департаменти директори

И.З.Қутбиддинов

Ахборот технологиялари  
департаменти директори



З.Я.Ибрагимов

Банк хавфсизлиги ва ахборотларни  
муҳофаза қилиш бошқармаси  
бошлиғи



Н.И.Тангнибердиев

Ички назорат департаменти  
директори



О.Р.Эргашев

Ишлар бошқармаси бошлиғи



А.А.Шаққулов